



5 · 2024

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

*Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy,
madaniy-ma'rifiy, bezakli jurnal*

USHBU SONDA:

Бокс бўйича Ўзбекистон миллий төрма жамоаси
бош мураббийи билан сұхбат.

Ином Төрмизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг
нишонланмоқда.

Ўзбек киносининг буюк дарғаси Наби Ғаниев
ижодига назар.

Генерал Жўрабек ким эди? У ҳақидаги тарихий-
ҳужжатли қиссадан парча.

Ўзбекистон халқ шоури Иқбол Мирзо ижодидан
намуналар.

Ўзбекистон халқ шоури Муҳаммад Юсуфнинг қизи
Мадина отаси ҳақидаги хотираларини сўзлайди.

Ёзувчи Қулман Очилнинг «Сени яна кўрарманми?»
ҳикоясини ўқинг.

Юртимиз мўъжизалари руқнида журналист
Бахтиёр Ҳайдар Амир Төмур ғорининг сирлари
тўғрисида ҳикоя қиласди.

Ўзбекистон темир йўллари музейига саёҳат.

MUQOVADA:

1-бетда: Президентимизнинг 2024 йил 27 сентябрдаги «Ўқитувчи
ва мураббиylар куни муносабати билан таълим-тарбия тизими-
да алоҳида ўрнак кўрсатсан ходимлардан бир гурӯҳини мукофот-
лаш тўғрисида»ги фармонига асосан соҳанинг бир гурӯҳ вакил-
лари давлатимизнинг фахрий унсон, орден ва медаллари билан
тақдирланган. Мукофотланганлар орасидә Яккасарой туманидаги
«Nimo School Academy» нодавлат таълим мұассасаси директори
Умидахон Бердиеве ҳам бор. У «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди.



Ayrim materiallarni lotin yozuvida o'qish uchun
QR kodni skaner qiling.

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat vazirligi
«Guliston» va «Teatr»
jurnallari
birlashgan tahririyati

Bosh muharrir:
Shahribonu IMOMOVA

Bosh muharrir o'rbinbosari:
Mamatqul HAZRATQULOV
(Jurnal uchun mas'ul)

Jamoatchilik kengashi:
Rustam ABDULLAYEV
Soyibjon BEGMATOV
Hamidulla BOLTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ozodbek NAZARBEKOV
Akmal NUR
Sirojiddin SAYYID
Shuhrat SIROJIDDINOV

Tahririyat:
Komil JONTOYEV
(Mas'ul kotib)
Manzura SHAMSIYEVA
Baxtiyor HAYDAROV
Nilufar HAYITOVA
(Bo'lim muharrirlari)
Nigina ISMOILOVA
(Sahifalovchi)
Malohat MINGBOYEVA
(Musahhih)

Navbatchi muharrir:
Baxtiyor HAYDAROV

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil
30-sentyabrdan ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 897719.
Jurnal ikki oyda bir marta nashr etiladi.
Tahririyat va mualliflar fikri farqlanishi mumkin.
«Guliston» jurnalidan materiallar olinganda
manba ko'satilishi shart.
Xatlarga yozma javob qaytarilmaydi. Tahririyat
ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.
Obuna va jurnalning yetkazilishi bilan bog'liq masalalar
bo'yicha 71-244-45-24 raqamiga qo'ng'iroq qilishingiz mumkin.

Bichimi 60x90. 1/8. Hajmi 6 bosma taboq.
Buyurtma № 33. Adadi 2200 nusxa.
Bosmaxonaga 2024-yil 4-oktyabrdan topshirildi.
Bosishga 2024-yil 18-oktyabrdan ruxsat etildi.
Tahririyat manzili: Toshkent – 100129,
Navoiy ko'chasi, 30-uy. Tel.: 71-244-01-77,


Jurnal «SILVER STAR PRINT» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahar, Olmazor tumani, Ibrohim ota 322b.

e-mail: gulistonjurnali@mail.ru
online-journal_uz

IMOM TERMIZIY MA'RIFATINING YOG'DUSI

Ислом маърифати тақомилини ҳадис илмидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Чунки одамзоднинг комил ахлоқ эгаси бўлишига хизмат қиласадиган йўл-йўриқлар энг мўътабар манба саналган Қуръони каримдан кейин муборак ҳадисларда жамланган. Ҳадис илмida «Сиҳоҳи сittа» («Энг ишончли олти ҳадис китоби») деган тушунча машҳур. Ислом оламида ва бутун дунёда эътироф этилган бу китоблар – Имом Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асари ва яна беш муҳаддиснинг ҳадис тўпламлари – «Сунан ал-Муслим», «Сунан ал-Абу Довуд», «Сунан ат-Термизий», «Сунан ан-Насойй» ва «Сунан ал-Ибн Можа». Ушбу энг машҳур олти муҳаддисдан иккиси ватандoshimiz экани биз учун улкан шараф бўлиши баробарида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Президентимизнинг жорий йил 15 августида қабул қилинган «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ушбу тарихий қарор, аввало, ҳадис илмига ва буюк аждодлар закосига кўрсатилган юксак эҳтиромнинг тасдиғи, бугунги авлодлар зиммасидаги Имом Термизийнинг улкан илмий меросини янада чукурорқ ўрганиш, ҳалқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўргасида кенг тарғиб этиш борасида дастуруламал экани билан қимматлидир.

Буюк муҳаддиснинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захҳок ас-Сулмий аз-Заририй ал-Буғий Термизий бўлиб, ҳижрий 209, милодий 824 йили қадимиј Термиз шаҳри яқинидаги Буғ қишлоғида таваллуд топган. Тангри таоло бу улуғ сиймога ниҳоятда кучли кувваи ҳофиза (ёдлаш ва эсада тутиш қобилияти), ўткир зеҳн



ва зако ато этган. Алломанинг шогирдларидан Абу Саъд Идрисий устозини таърифлаб, ёд олиш салоҳияти, зеҳну заковати тўғрисида зарбулмасаллар битилганини айтади. Шогирдларидан яна бири: «Имом Бухорий вафотидан кейин Хуросонда илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда Абу Исо Термизийдек бирор киши топилмас эди», деб ёзади.

Бу улуғ сиймо бир умр Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини жамлаш ва ҳадис матнларини тадқиқ ва таҳқиқ этишга жидду жаҳд этган. Хуросон, Ирок, Ҳижоз, Бағдод, Миср ва Шомга сафарлар қилиб, қарийб йигирма йил давомида мазкур юртлардаги ровийлардан ҳадисларни йиғиб, чукур ўрганган, ишончлилик даражасига кўра саралаган. «Сунан ат-Термизий» асари ана шундай узоқ йиллик меҳнату заҳмат натижасида юзага келган. Бу асар ҳадис илмидаги машҳур олти китоб орасида ҳам ҳалқ қалби ва руҳига яқинроқ экани жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу китобни якунлагандан сўнг Имом Термизий ўша кездаги анъанага кўра уни Ҳижоз, Ирок ва Хуросон уламоларига тақдим этган. Улар «Сунан ат-Термизий»нинг ҳадис илмida муҳим ўрин тутивчи асар эканини эътироф этган. Имом Термизий замонида муҳаддис тузган тўпламдаги ҳадисларни текширишда «муқобала» деб аталган услубдан фойдаланилган. Бу услуга кура, муҳаддис ўзи тўплаган ҳадисларни илм ахли даврасида ўқиб берган. Истаган кишилар у айтган ҳадисларни ёзиб олган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг маълумот беришича: «Агар жамоат катта бўлса, ҳар жой-хар жойда муҳаддиснинг сўзини етказиб беришга маълум кишилар тайинланади. Улар ҳар бир сўзни баланд овозда узокдагиларга етказиб беришади. Кейин ҳадисларни тўлиқ ёзиб олган шогирд ўз ёзганларини устоз кўригидан ўтка-

зади: устоз шогирднинг ёзганини, шогирд устознинг китобини қўлга олади ва ҳар бир ҳадисни сўзма-сўз текшириб, охирги ҳарфигача асл нусхага солиштириб чиқилади». Табииики, бундай мукаммал қиёс ҳадис матнининг нечоғлиқ ишончли эканини аниқлаш имконини бериши баробарида, муҳаддис ва йифилган илм аҳли учун катта сабоқ вазифасини ҳам ўтаган ва тўпламнинг хатолардан холи бўлишини таъминлаган.

Mуқобала» услубида матннага хатолик қандай бартараф этилганига доир маълумотлар мусулмон олимларининг Расууллоҳ (с.а.в.) ҳадисларига муносабати қанчалик жиддий, ҳадислар матнининг хатосиз бўлиши учун нечоғлиқ эътиборли бўлганини кўрсатади. Манбаларда ёзилишича, мабодо ҳадис матнида муайян хатолик учраса, ўша сўз ёки жумланинг устига чизилиб, ҳошияд тўғри варианти кўрсатилган. Матнга шу даражада дикқат қаратилганки, ҳадисдаги бирор сўз, жумла ёки гапда хатолик учраса ёки тақрор кўчирилган бўлса, уни ўчиришга рухсат берилмаган. Агар бирор сабаб билан ўчирилган бўлса, матн ишончли деб ҳисобланмаган ва бундай матн эътибордан қолган. Чунки хато сўз чизиб тузатилса, хатолик нимада экани аниқ кўринган. Натижада ўкувчи уни ўқимаган. Агар ўчирилса, балки бирор мухим фикр ўчирилган бўлиши мумкин, деган шубҳа туғилган. Шу боис, бундай матн қимматини йўқотган. Кўчирилган ҳадис матни билан таништан шайх уни маъқуллаб, ишончли деб топса, шогирдга ўша китоб асосида дарс ўтишга ҳамда нусха қўчиритишга ёзма равишда рухсат берилган. Ана, ҳадис тўплами маъқуллангунга қадар қандай чириқлардан ўтказилган. У замон олимлари Расууллоҳ саллоплоҳ алайҳи васаллам ҳадисларининг келажак авлодга бирор хатосиз, ишончли матн асосида етиб бориши учун жонларини фидо қилган. Шу тарздаги имтиҳондан кейингина уламолар худди бошқа мўътабар китоблар каби «Сунан ат-Термизий»нинг ҳадис илмида мухим ўрин тутувчи асар эканини эътироф этган. Имом Бухорий ва Имом Муслим китоблари илмда муайян даражага эришган хос кишиларга мувофиқ услубда битилган. Имом Термизий асари хосларга ҳам, авомга ҳам бирдай тушунарли экани, жамиятдаги барча тоифалар бирдай қабул қиласиган услубда ёзилгани билан алоҳида ажralиб турдади.

«Сунан ат-Термизий» китоби Ибн Умар (розийаллоҳу анхумо)дан ривоят қилинган қўйидаги ҳадис билан очилади: «Покликсиз бирор намоз қабул қилинмайди ва ҳаром пулдан садака ҳам қабул қилинмайди». Ушбу ҳадисга Имом Термизий қўйидагича шарҳ беради: «Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир. Бу бобда яна Абул-Малиҳдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайра ва Анасадан (розийаллоҳу анхум) ҳадис ривоят қилинган. Усоманинг номи Омир бўлиб, Зайд ибн Усома ибн Умай ал-Хузалий деб ҳам аталади». Имом Термизий ҳазратларининг китобида ҳадис матни берилгандан сўнг мазкур ҳадиснинг санади тўлиқ келтирилади. Санад – ровийларнинг силсиласи, яъни ушбу ҳадисни ривоят қилгандарнинг тўлиқ ва тартибли рўйхати демакдир. Санади тўлиқ ва мукаммал келтирилмаган ҳадис ишончли ҳисобланмаган. Бу, ўз навбатида, ҳадис илмининг нечоғлиқ заҳ-

мат ва меҳнат, шунинг баробарида теран илм ва тафаккур талаб этгани сабабларини ойдинлаштиради.

Имом Абу Исо ат-Термизийдан бой ва ниҳоятда қимматли илмий мерос қолди. Улуғ муҳаддиснинг энг машҳур асарлари «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Сунан ат-Термизий») ва «Аш-шамойил ал-Муҳаммадия» бутун ислом оламида мўътабар китоблар сифатида эътироф этилган. Бундан ташқари, «Ал-Ҳол», «Ат-Тарих», «Аз-Зуҳд», «Ал-Асмоъ ва ал-куно» («Исламлар ва кунялар»), Ал-Илал фил-ҳадис («Ҳадис санадларида иллатлар ва нуқсонлар») сингари асарлари ақоид, ҳадис ва тарих каби илмлар ривожида алоҳида ўрин тутади.

Улуғ муҳаддис кўп китоб ёзган. Айниқса, «Сунан ат-Термизий»нинг фойдаси катта бўлиб, такрор сўзлари оз, мукаммал тартибида ёзилган. Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг ушбу асарини мана бундай таърифлаган: «Кимнинг уйида мана шу китоб бўлса, гўёки уйида Пайғамбаримиз гапираётгандек бўладилар». Ҳақиқатан, ушбу табаррук асарни мутолаа қилган киши гўё Расууллоҳ алайҳиссалом билан сўзлашгандек ҳис этади ўзини. Бундай фикрни улуғ муҳаддиснинг яна бир китоби – «Шамойили Муҳаммадия» ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу китобда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак шакл-шамойиллари ва либосларидан барчага ўрнак бўларли хуљларигача, нечоғлиқ камтар ҳаёт кечиргандарию башариятга намуна бўла оладиган турмуш тарзлари – таомланишлари, юриш-туришлари, ҳар бир вазиятда ўқиган дуолари, уйкулари, ибодатлари ва юксак мулокот маданиятигача, одамларга меҳрибонликлари ва сабру матонатларидан ҳазил-мутойибларигача, муножотлари – йиғи-зориларию тутадиган рўзалари, қироатлари, ҳаёв ба боларидан муборак одатларигача мўътабар манбаларга таянилган ҳолда таъсирли ёритилган.

Bугунги кунда Имом Термизий асарлари бутун дунёда ўқиб ўрганилади. Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимизни қайта-қайта айтамиз. Лекин уларнинг илму ирфон ёғдуларига йўғрилган, мутолаа қилган кишининг кўнгил кўзларини очадиган бебаҳо асарларини муносиб дарражада ўқий оляпмизми, ҳаётимизга татбиқ эта биллямизми, деган саволларга афсуслар бўлсинки, жавобимиз ижобий эмас. Ҳолбуки, бу асарлар билимсизлик зулматини ёритиб юборади, қалбни гуноҳлар зангидан поклайди, зеҳнни очади, тафаккурни ўтқирлаштиради. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайийд «Термиз шаънига» шеърида: «Термизийлар ёқкан кутлуг шамлардан Оламларни этган чароғон, шахрим», деб ёзиши бежиз эмас. Ҳақиқатан, улуғ бобокалонимизнинг мўътабар меросини ўрганиб, ҳаётга татбиқ қилаётгандар илмда ҳавас қиласларни ютуқларга эришаётир, тараққий этаётир. Биз ҳам модомики, жамият ҳаётининг барча жабхаларида мутараққий давлатлар ва миллатлар даражасига юксалишни истар эканмиз, Бухорий ва Термизий боболаримизга юзланмоғимиз, улар маърифати ёғдусидан баҳра олмоғимиз шарт ва зарурдир.

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор**